

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШУВЧИЛАРИГА ХАЛҚАРО
ЙЎЛЛАРДА ТАШИШ
ДАФТАРЧАСИДАН
ФОЙДАЛАНИШ УЧУН
РУХСАТНОМА БЕРИШ
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент - 2025

Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш. Услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025 й. – 24 бет.

Мазкур қўлланма халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини содда ва равон тилда тушунтиришга қаратилган.

Услубий қўлланма халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини тушунтириб, шу билан бирга, халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олиш талаблари ва шартлари, талаб қилинадиган ҳужжатлар, аризани кўриб чиқиш, рухсатнома бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, рухсатномага ўзгартиришлар киритиш ва уни бекор қилиш каби масалаларни қамраб олади.

Ушбу қўлланма божхона органлари ходимлари, логистика корхоналари, халқаро йўлларда юк ташувчилар ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланишга доир қонунчилик ҳужжатлари	3
Умумий қоидалар.....	4
Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олиш талаблари ва шартлари. Талаб қилинадиган ҳужжатлар.....	4
Аризани кўриб чиқиш, рухсатнома бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.....	4
Рухсатномага ўзгартиришлар киритиш ва уни бекор қилиш.....	4
Иловалар	4

Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланишга доир қонунчилик ҳужжатлари

1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси	
Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси	
Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти	

Умумий қоидалар

📍 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ товарлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилаётганда ташувчи автотранспорт воситасида халқаро ташиш чоғида халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда ташилган тақдирда, ХЙТ дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенцияси (Женева, 1975 йил 14 ноябрь) талабларига мувофиқ автотранспорт воситасига юкларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида халқаро ташишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани божхона органига қуйидагиларни тақдим этиши шарт.

Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш

Божхона қўмитаси Қорақалпоғистон
Республикаси бошқармаси

Божхона қўмитаси вилоятлар
бошқармалари

Божхона қўмитаси Тошкент шаҳар
бошқармаси

“Тошкент-АЭРО” ихтисослаштирилган
божхона комплекси

 Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома:

-  **электрон шаклда** берилади;
-  амал қилиш **муддати** чекланмайди;
-  юридик ва жисмоний шахсларга (ариза берувчиларга) халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланган ҳолда, **халқаро юк ташиш ҳуқуқини** беради;
-  кафолат уюшмасидан халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини олиш ҳуқуқини англатмайди.



Рухсатнома олинаётган автотранспорт воситасининг божхона кўздан кечируви ўтказилганда **божхона кўриги далолатномаси** расмийлаштирилади

1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси шафеълигида қабул қилинган.

Конвенциянинг мақсади – юкларни чегарадан олиб ўтишда уларни расмийлаштириш тартиб-таомилларини соддалаштиришни назарда тутувчи **юкларни ташиш тизими**ни яратишдир.

Ҳозирги вақтда ушбу тизимда 30 минг атрофидаги халқаро юк ташувчилар иштирок этмоқда. Улар ҳар йили божхона ҳужжатларини тезкор расмийлаштириш ҳуқуқидан 500 минг мартадан кўпроқ фойдаланишмоқда.

Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олиш талаблари ва шартлари. Талаб қилинадиган ҳужжатлар

 Ариза берувчи рухсатнома олиш учун қуйидаги **талабларга** жавоб бериши лозим:

 автомобил транспортида халқаро **юк ташиш тажрибаси** ёки имконияти (автомобилда халқаро юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия) мавжудлиги;

 Конвенцияда назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган **барқарор молиявий ҳолатга** эга бўлиши;

 Конвенцияни қўллаш тўғрисидаги билимларга эга эканлигини тасдиқловчи **сертификатлар (гувоҳномалар)** мавжудлиги;

 Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида ариза олинган кундан эътиборан 1 йил ичида Ўзбекистон божхона қонунчилиқ ҳужжатлари бўйича **бартараф этилмаган қонун бузилиши ҳолатларининг** мавжуд эмаслиги;

 Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида ариза олинган кундан эътиборан 1 йил ичида **бартараф этилмаган солиқ қонунчилиқ ҳужжатларини қўпол равишда бузиш** ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

 кафолат уюшмаси олдидаги **мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни** имзолаш, бунда ариза берувчи:

• жўнатувчи, оралиқ ва манзилдаги божхона органида Конвенция талаблари асосида барча божхона тартиб-тамоийилларига риоя қилиши;

• Конвенция 11-моддаси 2-бандига асосан божхона органлари томонидан талаб қилинса, Конвенциянинг 8-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган суммаларни тўлаши;

• кафолат уюшмасига Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида рухсат берилган доирада ушбу банднинг шартлари ва талаблари тўғрисидаги маълумотларни текширишга рухсат бериши шарт.

ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР



Рухсатнома олиш учун ариза берувчи ариза тўлдирган ҳолда ўзининг ЭРИ билан тасдиқлаб, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки “Лицензия” ахборот тизими орқали юборади.

Аризада қуйидагилар кўрсатилади:

• ариза берувчи ёки унинг ваколатли ходимлари, шунингдек, ҳайдовчилар **паспорт маълумотларидаги ЖШШИРлари**;

• халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланган ҳолда халқаро автомобил транспортида юк ташишни ташкил этиш **касбий малакага эгалиги тўғрисидаги сертификатлар** (гувоҳномалар) рақамлари ва уларнинг берилган санаси;

• ишга қабул қилганлик тўғрисида **буйруқ рақамлари** ва санаси;

• транспорт воситаларининг маркалари, давлат рақами белгилари, идентификация рақамлари (VIN);

• транспорт воситасининг ариза берувчи тасарруфида бўлиш муддати, халқаро юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия рақамлари ва берилган санаси;

• ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тўлиқ маблағлари — транспорт воситалари, бинолар, иншоотлар, автотранспорт воситалари,

асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк мавжуд бўлган бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ ҳисобга олинган бошқа мулкка эга эканлиги, амортизацияни ҳисобга олган ҳолда қолдиқ ёки баланс қиймати бўйича маълумот (*умумий қиймат БХМнинг 500 бараваридан кам бўлмаслиги лозим*).

Ушбу маълумотларнинг тўғрилиги учун ариза берувчи жавобгардир.

📍 Ариза берувчи ҳайдовчилар ва транспорт воситалари тўғрисида тақдим этилган маълумотларни доимий равишда янгилаб туриши лозим.

Ариза берувчидан юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан бошқаларини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ариза берувчи томонидан халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома олиш учун тақдим этилган маълумотлар Божхона қўмитаси, Солиқ қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва Кафолат уюшмаси бунинг аксини исботламагунча **ишончли** ҳисобланади.



Аризани кўриб чиқиш, рухсатнома бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

📍 **Ариза** ЯИДХП ёки “Лицензия” АТ орқали Божхона қўмитасининг **Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими**га (**ЯААТ**) келиб тушади. Ушбу ариза шу вақтнинг ўзида автоматик тарзда Солиқ қўмитасига ва кафолат уюшмасига юборилади.



Аризани кўриб чиқиш ва халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома берганлик учун **йиғим ундирилмайди**.

Ариза келиб тушгандан сўнг:



**Кафолат
уюшмаси**




**3 иш
кунда**



📍 халқаро юк ташиш тажрибаси ёки имконияти мавжудлиги, белгиланган мажбуриятлар бажарилишини таъминлайдиган барқарор молиявий ҳолатга эгалик, тегишли билимларга

		эгалигини тасдиқловчи сертификат (гувоҳнома)лар мавжуд-лиги ҳамда кафолат уюшмаси олдидаги мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни имзолаш талабларига мувофиқлик ўрганилади; ↑ ЯААТ га ЭРИ билан тасдиқлайди ёки рад этади.
Солиқ қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	3 иш куни мобайнида	↑ ЯААТ га аризачининг рухсат олиш учун электрон аризасини олган кундан 1 йил ичида бартараф этилмаган солиқ қонунчилиги қўпол равишда бузиш ҳолатлари мавжудлиги ёки йўқлигини ва ариза берувчининг тўлиқ маблағлари ёки баланс қиймати бўйича маълумотларни тасдиқлайди ёки рад этади.
Божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	3 иш куни мобайнида	↑ ЯААТ га аризачи рухсат олиш учун электрон аризасини олган кундан 1 йил ичида бартараф этилмаган божхона қонунчилик ҳужжатлари бузилиши мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.





Рухсатнома бериш ёки беришни рад этиш қарори Божхона қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан қабул қилинади ва ЭРИ билан тасдиқланади.

Аризани рад этиш тўғрисидаги билдиришномада рад этиш сабаблари ва қонунчилик ҳужжатлари аниқ нормалари кўрсатилади.

Билдиришнома ариза берувчига ва Кафолат уюшмасига электрон тарзда **ЯИДХП** ёки **“Лицензия” АТ** орқали юборилади.



Рухсатнома берилганлиги тўғрисида маълумот олинган кафолат уюшмаси **3 иш куни ичида** рухсатнома асосида ХЙТ дафтарчасини олган шахслар тўғрисидаги маълумотларни Божхона қўмитасига ушбу **ЯААТ** орқали электрон шаклда юборади.

📌 Кафолат уюшмасидан келиб тушган маълумотлар Божхона қўмитаси масъул ходими томонидан **3 иш куни ичида** ХЙТ **Халқаро банк маълумотлари базасига** киритилади.

Рухсатнома беришни рад этиш учун асослар:

- 📌 зарур бўлган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаслиги;
- 📌 ариза берувчининг ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олиш талаблари ва шартларига мувофиқ эмаслиги;
- 📌 ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлар мавжудлиги.

Бошқа сабабларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсатнома беришни **рад этишга йўл қўйилмайди.**



ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда рад этиш сабаблари ва қонунчилик талаблари **хабарномада** кўрсатилиши керак.




Аризачи ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олишни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, ҳужжатлар **юқоридаги тартибда** такроран текширилади.

Аризани қайта кўриб чиқишда ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномада **илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича** рад этишга йўл қўйилмайди.

 Аризачи ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олишни рад этиш, шунингдек, Божхона қўмитаси ходимининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун берилган рухсатномалар реестри автоматик равишда **ЯАТ** томонидан яратилади.



➡ Реестр маълумотларининг шаклланиши Божхона қўмитаси томонидан назорат қилинади.

➡ Реестрдаги маълумотлар тижорат сири ҳисобланади ва фақат қонунда белгиланган ҳолларда ошкор қилиниши мумкин.

Рухсатномага ўзгартиришлар киритиш ва уни бекор қилиш

📍 Қуйидаги ҳолларда **юридик шахс 7 иш кuni ичида** ЯИДХП ёки “Лицензия” АТ орқали ўзгартиришлар тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, қайта рўйхатдан ўтиш учун мурожаат қилиши шарт:

- 📍 юридик шахс **қайта ташкил этилганда**;
- 📍 унинг **номи** ёки жойлашган жойи (**почта манзили**) **ўзгарганда**;
- 📍 янги юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган санада рухсатномаси бўлган юридик шахслар билан **бирлашганда**;
- 📍 ариза берувчи юридик шахс қайта рўйхатдан ўтказилганда.

Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатномага ўзгартиришлар киритиш учун **йиғим ундирилмайди**.

📍 Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган тадбиркорлик субъекти – **жисмоний шахсининг** фамилияси, исми, отасининг исми ёки иш жойи ўзгарган тақдирда, ариза берувчи юридик шахс сифатида қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин **5 иш кuni ичида** кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, қайта рўйхатдан ўтказиш учун ЯИДХП ёки “Лицензия” АТ орқали мурожаат қилиши лозим.

Божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаси



Қайта рўйхатдан ўтказиш ва (ёки) ўзгаришлар тўғрисида мурожаатни (тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда) текширади

Мурожаат ЯИДХП ёки “Лицензия” АТга келиб тушган кундан бошлаб **3 иш кун ичида** тасдиқланади ёки рад этилади.



Ўзгартирилган маълумотлар тасдиқланганда Божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси рухсатнома маълумотларини **ЯААТда** янгилайди ва Божхона қўмитасига киритилган тузатишлар бўйича ахборот беради.

📌 Божхона қўмитаси масъул ходими тегишли ўзгартиришларни Халқаро йўлларда ташиш Халқаро банк маълумотлари базасига киритади.

📌 Дастлабки рухсатнома Божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан **қайта расмийлаштирилгунга қадар** амал қилади.

Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатномани бекор қилиш

Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1

Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома эгаси бекор қилиш бўйича ЯИДХП ёки “Лицензия” АТ орқали мурожаат қилганда;

2

юридик шахс тугатилганда;

3

жисмоний шахс тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги бўйича гувоҳноманинг амал қилиши бекор қилинганда;

4

тадбиркорлик субъекти сифатида жисмоний шахс вафот этганда ёки лаёқатсиз деб топилганда;


5

рухсатнома олиш учун белгиланган талаблар ва шартлар бажарилмаганда;

6

Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома ноқонуний берилганлиги аниқланганда.

Рухсатномани **бекор қилиш** ЯИДХП ёки “Лицензия” АТ орқали 2 кун ичида Божхона қўмитаси ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.



 Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатномани бекор қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб **5 кун ичида** Божхона қўмитасининг масъул ходими Халқаро йўлларда ташиш Халқаро банк маълумотлари базасига ўзгартиришлар киритади.

Бекор қилинган рухсатнома қайта тикланмайди.



Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланишни давом эттириш учун қайтадан ушбу Қўлланмада кўрсатилган тартибда ариза берилади ва кўриб чиқилади.

Иловалар

1-илова

Фойдаланилган тушунчалар изоҳи

Божхона қонунчилик ҳужжатларини бузиш	Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида товарлар ва транспорт воситаларини манзилдаги божхона органига етказиб бермаслик, йўқотиш ва алмаштириш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган божхона қоидаларининг бузилиши
Кафолат уюшмаси	1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенциясини ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига кўра халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланувчи шахсларга кафиллиги тан олинган уюшма (<i>Ўзбекистонда — Ўзбекистон халқаро автомобилда ташувчилар уюшмаси (AIRCUZ)</i>)
Маъмурий қўмита	Конвенциянинг барча иштирокчи давлатларидан ташкил топган Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенциясининг олий органи
Рухсатнома эгаси	халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома олган юридик ёки жисмоний шахс
Солиқ қонунчилик	солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Солиқ

ҳужжатларини қўпол равишда бузиш	кодексида белгиланган қонунга хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан юқори бўлган жарима ва (ёки) солиқ қарздорлиги
ХЙТ ижро этувчи Кенгаши	Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенциясига мувофиқ Маъмурий қўмита томонидан берилган вазифаларни бажарадиган ва Маъмурий қўмита томонидан ташкил этилган ёрдамчи орган

Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун берилган рухсатномалар реестри

Т/р	Кафолат уюшмаси томонидан берилган идентификация рақами	СТИР/ ЖШШИР	Ариза берувчи тўғрисида маълумот			ХЙТ дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома рақами ва берилган санаси	Юкларни халқаро ташиш лицензияси рақами	Бошқа маълумотлар
			Ариза берувчи ташкилотнинг тўлиқ номи ва мулкчилик шакли/ёки жисмоний шахс Ф.И.О. ва паспорт серияси	Манзили, электрон почта манзили	Телефон рақами			

**Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни
халқаро ташиш учун рухсатнома паспорти**

1. Рухсатнома номи	Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш учун рухсатнома (кейинги ўринларда Рухсатнома).
2. Рухсат бериладиган фаолият тури	Халқаро йўлларда ташиш (кейинги ўринларда — ХЙТ) дафтарчасидан фойдаланган ҳолда халқаро ташувларни амалга ошириш.
3. Амалга ошириш механизмини тартиб-га солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат	1975 йилдаги Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси ва Ўзбекистон Республикаси ташувчиларига халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларида Регламент).
4. Ариза берувчилар тоифаси	Юридик ва жисмоний шахслар.
5. Рухсат берувчи орган	Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси ҳудудий бошқармалари.
6. Ҳужжатларни топшириш тартиби	Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Лицензия» ахборот тизими орқали.
7. Рухсатномани олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар	Рухсатнома олиш учун даъвогар Регламентга 3-иловага мувофиқ аризани тўлдирган ҳолда ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаб, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки

	«Лицензия» ахборот тизими орқали юборади.
8. Аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган йиғим миқдори	Йўқ.
9. Рухсатнома берилганлиги учун давлат бож миқдори	Йўқ.
10. Аризани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш муддатлари	Ариза келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни.
11. Рухсатнома талаблари ва шартлари	5. Ариза берувчи Рухсатнома олиш учун Конвенцияга 9-иловининг II қисми 1-бандида назарда тутилган қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: а) автомобиль транспортида халқаро юк ташиш тажрибаси ёки имконияти (автомобилда халқаро юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия) мавжудлиги; б) Конвенцияда назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиши; в) Конвенцияни қўллаш тўғрисидаги билимларга эга эканлигини тасдиқловчи сертификатлар (гувоҳномалар) мавжудлиги; г) ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида ариза олинган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилик ҳужжатлари бўйича бартараф этилмаган

	қонун бузилиши ҳолатларининг мавжуд эмаслиги; д) ХЙТ дафтарчасидан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисида ариза олинган кундан эътиборан бир йил ичида бартараф этилмаган солиқ қонунчилик ҳужжатларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги; е) кафолат уюшмаси олдидаги мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни имзолаш, бунда ариза берувчи: жўнатувчи, оралиқ ва манзилдаги божхона органида Конвенция талаблари асосида барча божхона тартиб-тамойилларига риоя қилиши; Конвенция 11-моддаси 2-бандига асосан божхона органлари томонидан талаб қилинса, Конвенциянинг 8-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган суммаларни тўлаши; кафолат уюшмасига Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида рухсат берилган доирада ушбу банднинг шартлари ва талаблари тўғрисидаги маълумотларни текширишга рухсат бериши шарт.
12. Назорат тартиби	Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими ҳамда Халқаро йўлларда ташиш халқаро маълумотлар банки орқали электрон равишда.

13. Рухсатнома беришда келишилдиган органлар	Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ва кафолат уюшмаси.
14. Рухсатноманинг амал қилиш муддати	Чекланмаган.
15. Изоҳ	<i>* Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш учун рухсатнома паспорти амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа норма ва қоидаларнинг даъвогар ва рухсатнома эгаси томонидан бажарилишини истисно этмайди.</i>

This image shows a full page of blank white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page, providing a template for writing or drawing. There are no margins, text, or other markings present.